Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. № 131 (8121) ● 12 июль, 1983 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

ПАХТАКОРЛАРНИНГ ЗАРБДОР КУНЛАРИ

САРАТОН. Ҳарорат кўтарилиб боряпти. Деҳқонлар, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳаётида янада масъулиятли, долзарб дамлар бошланди. Чунки июль ғўза парваришида, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой ҳисобланади. Чунки бу даврда ғўза қийғос гуллаб ҳосил тугунчаларн, кўсаклари кўпаяди. Айни кунларда ҳар дақиқанинг қадрига етган, белгиланган агротехника тадбирларини маромида, оби-тобида амалга оширган деҳқон, албатта, мўл ҳосилга замин яратади. Бунинг учун эса хўжаликларда дала ишларини илғор тажрибалар асосида йўлга қўйиш лозим. Бундай тажриба эса бизда бор.

Кейинги йилларда пешқадам хўжаликлар, новатор пахтакорлар иш усуллари, фан ютуқларини умумлаштириш ва кенг қўлланиш асосида пахта етиштиришнинг прогрессив-индустриал технологияси юзага келди ва у Тошкент технологияси деб ном олди. Бу технологиянинг қонун-қоидаларига ижодий муносабатда бўлиб иш олиб бориш ҳар қандай шароитда ҳам «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириш, уни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай машиналар ёрдамида барвақт йиғиб-териб олиш имкониятини бермоқда.

Омилкор пахтакорлар об-ҳаво шароити анча мураккаб ва сув танқис келган ҳозирги шароитда ҳам бу имкониятдан оқилона фойдаланиб, гектарларда белгиланган миқдордаги кўчатни тўла сақлаб қолиш ва ҳар туп ғўзанинг серҳосил бўлиб етилишини таъминлаш учун курашмоқдалар.

Лекин текширишлар шуни кўрсатадики, кўпгина колхозлар, бригадалар, хўжаликларда пахта етиштириш технологиясининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Бу гап кўпроқ Ўрта Чирчиқ, Пискент, Чиноз, Янгийўл ва бошқа айрим районларга тааллуқлидир. Бу районларда каттагина майдонлардаги ғўзаларни ўт босган. Бегона ўт ва ғўза зараркунандаларига қарши кураш сust ташкил этилмоқда. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш сифати талаб даражасида эмас. Айрим жойларда ғўзанинг чанқаб қолишига йўл қўйилган. Меҳнат интизоми ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Дала ишларида қатнашаётган колхозчилар ва совхоз ишчилари анча озчиликни ташкил этади. Шу туфайли ҳам ғўзалар ривожланишдан бирмунча орқада қолмоқда.

Бу соҳадаги аҳволни яхшилаб олиш учун зарур чора ва тадбирларни кўриш керак. Акс ҳолда бўлажак ҳосилнинг бир қисмига жиддий зиён етиши мумкин. Қишлоқ хўжалик органлари, хўжалик раҳбарлари, мутахассислари ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтириб, мўл, эртаги, сифатли пахта етиштириш учун мустаҳкам замин яратилишини таъмин этишлари керак.

Яқинда бўлиб ўтган область пахтакорлар Советининг йиғилишида бу масала кўриб чиқилди. Июль ойида ғўза парваришини намунали ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳар бир хўжалик, бригадада ғўза парваришн ишларида қатнашадиган одамлар сонини ҳудди пахта йиғим-терими давридагидек кўпайтиришга эришиш керак. Далаларни бегона ўтдан тозалаш учун барча воситаларни сафарбар этиш зарур.

Ҳар бир район, колхоз, совхозда ғўзаси ўсишдан орқада қолаётган майдонлар бор. Уларни синчиклаб текшириб чиқиш керак. Бригадалар коллективларига ғўзанинг ўсиши ва ривожини тезлаштириш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш талаб этилади. Қўшимча миқдорда минерал ва маданий ўғитлар ажратилсин. Озиқлантириш, суғориш, культивацня ишларини юксак сифатли ташкил этиб, парваришдан орқада қолган ғўзаларни яхши ғўзалар қаторига етиб олишини таъмин этайлик. Бунинг учун эса барча культиваторларни ишга тушириш, механизаторларнинг ишини икки сменада ташкил этиб, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб бериш лозим. Қатор ораларини юмшатиш қамрови кенг ва культивацня чуқур бўлсин. Бир йўла экинни озиқлантирнб кетишни ҳам унутмайлик.

Ғўзаси ривожланишдан қолган майдонларнинг ҳар гектарига 10—12 тоннадан чиритилган гўнг солиш яхши натижа беради. Шунингдек, ҳамма ерда ғўзани шарбат усулида суғоришни кенг йўлга қўйиш керак.

Табиийки, кун иссиқ борган сари ғўзанинг сувга бўлган талаби ҳам ортади. Сув ресурслари эса анча чегараланган. Лекин бу баҳона бўла олмайди. Деҳқонларимиз 1 литр сувдан 2 литр сувнинг нафини олиш, бирон туп ҳам ғўзанинг чанқаб қолишига йўл қўймасликлари керак. Бунинг учун эса энг аввало ҳар бир хўжалик, бригадада тажрибали, экин майдонларининг тупроқ шароитини, паст-баландини яхши биладиган сувчиларни етарли ажратиш, уларга ёрдамчиларни биркитиб қўйиш лозим.

Бу йилги шароитда ғўзани тунда суғориш ғоят муҳимдир. Шунда сув тежалади, ғўза қониб сув ичади. Шунинг учун ҳам ғўзани тунда суғорувчилар меҳнатига рағбатлантирилган ҳақ тўлаш мақсадга мувофиқдир. Эгатларда сувни жилдиратиб оқизиш — тупроқнинг бир текис намланишини таъминлаш имкониятини беради. Ҳар бир сувдан сўнг ғўза қатор оралари камида икки марта культивацнядан чиқарилиши керак.

Мўл ҳосил тўплашда сувчи ва механизатор ҳамкорлиги ҳал қилувчи роль ўйнайди. Улар маслаҳат билан, ўзаро келишиб иш олиб боришлари керак. Агар сувчи ишни сифатсиз бажарса; айрим ерларни кўллатиб суғорса ёки чанқатиб қўйса, табиийки, у механизатор ишини қийинлаштириб қўяди. Бундай майдонларда культивацияни бир маромда ўтказиб бўлмайди. Оқибатда ғўзаларга шикаст етади. Ҳосил тугунчалари тўкилиб кетади. Худди шунингдек, агарда механизатор культивацияни кормал кенглик ва чуқурликда, бир текис ўтказмаса у ҳолда сувчи ноқулай аҳволда қолади. Эгатларга сувни бир меъёрда тараш анча мушкуллашади. Ғўза бир текис қониб сув ичмайди.

Бунга асло йўл қўймаслик керак. Шунинг учун ҳам сувчилар ва механизаторларга нисбатан талабчанликни кучайтириш билан бирга уларнинг меҳнатини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Дала шийпонларида барча шарт-шароитлар муҳайё қилиб қўйилган бўлсин. Ҳар бир культивацня ва суғоришдан сўнг сувчилар ва механизаторлардан карталарни комиссия томонидан текширилган акт билан бригаликда қабул қилиб олиш керак. Бу уларнинг масъулиятини оширади. Иғнм-терим бошлангунга қадар далаларда белгиланган миқдорда ғўза тупларини сақлаб қолиш мумкин бўлади.

Об-ҳавоннинг беқарор келиши туфайли далаларда, ўргимчаккана сингари ҳашаротлар кўпая бошлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжаликда, бригадада кузатувчилар сонини кўпайтириш керак. Ҳашарот тушган майдонлар, далаларни ўз вақтида аниқлаб, зудлик билан унга қарши кураш чораларнни кўриш лозим. Бу ишларнинг сифатли бажарилиши кўпроқ мутахассислар, агроном, энтимологларнинг зийраклиги, тадбиркорлиги, ўз бурчига содиқлигига боғлиқдир. Улар далаларга тушган ҳашаротларнинг турн ва кўп-озлигига қараб қайси хилдаги препаратлардан қанча миқдорда фойдаланиш яхши самара беришини пишиқ-пухта белгилаб берсинлар. Ҳашаротга қарши курашда иложи борича ОВХ—14, ОВХ—28 трактор аппаратларидан фойдаланиш лозим. Имконияти бўлмаган, аҳоли яшайдиган жойлардан ва сув манбаларидан анча узоқликда бўлган майдонлардагина қишлоқ хўжалигн авиациясидан фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, ғўза гоммоз ва внлт касаллигига чалинган ерларни ўз вақтида аниқлаб алоҳида назоратга олиш, бундай майдонларда ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтириш ғоят муҳимдир.

Бу йилги шароитда бир даланинг ўзида ривожланиш турли хил бўлган ғўзалар учрамоқда. Шунинг учун чеканкани икки-уч босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Далаларни ҳозирдан бошлаб машина теримига тайёрлаб бориш талаб этилади.

Ана шу мақсадда ҳар бир район ва хўжаликда шу кунлардаёқ чеканка қиладиган машиналарни ремонт қилиш ва тайёрлаш ишларнни кучайтириб юбориш, бу иш учун етарли миқдорда слесарь-созловчиларни ажратиш керак.

Мўл ҳосил тўплашда ҳар дақиқани ғанимат бўлган кунлар ўтиб бормоқда. Хўжаликларда ишни зарбдорчасига ташкил этайлик. Ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтириб, ўн биринчи беш йиллиқнинг учинчи йилида зиммага олинган юксак мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишини таъминлайдиган ҳосил етиштирайлик.

Тошкент область «Далварзин» совхозидан Ленин ордени, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил байроқ орденлари нишондори Бобохон Отахонов бригадасида шарбат усулида суғоришдан кенг фойдаланмоқдалар. Ҳозир коллектив экинларни тўртинчи марта суғормоқда. Бу иш сувни тежаб сарфлайдиган, ундан фойдаланишда юқори коэффициентга эришаётган энг тажрибали деҳқонларга ишониб топширилган.

40 йилдан бери пахтачилик билан шуғулланаётган Бобохон Отахонов бригадаси бу йил юксак маррани белгилади. Ҳар гектар ердан 65 центнер — ўтган йилдагидан икки центнер кўп «оқ олтин» олиш кўзда тутилмоқда. Шу кунларда ғўзалар ҳосил тугунчаларини актив тўпламоқда. Ҳозиргача ўсимликларда иккита-учтадан кўсак пайдо бўлди.

(ЎзТАГ).

МАРРА— 65 ЦЕНТНЕР!

Бу йил бригада меҳнаткашлари об-ҳаво шароитларини ҳисобга олиб, экинларни тез ривожлантирадиган шарбат усулида суғоришдан кенг фойдаланмоқдалар. Ҳозир коллектив экинларни тўртинчи марта суғормоқда. Бу иш сувни тежаб сарфлайдиган, ундан фойдаланишда юқори коэффициентга эришаётган энг тажрибали деҳқонларга ишониб топширилган.

40 йилдан бери пахтачилик билан шуғулланаётган Бобохон Отахонов бригадаси бу йил юксак маррани белгилади. Ҳар гектар ердан 65 центнер — ўтган йилдагидан икки центнер кўп «оқ олтин» олиш кўзда тутилмоқда. Шу кунларда ғўзалар ҳосил тугунчаларини актив тўпламоқда. Ҳозиргача ўсимликларда иккита-учтадан кўсак пайдо бўлди.

(ЎзТАГ).

КОРХОНАЛАР ҚУРАМИЗ

СОЦИАЛИСТИК шаҳримизда саноат объектлари қурилишини бошқармамизсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, барча саноат корхоналари, янги цехлар бунёд этиш, мавжудларини реконструкция қилишда ёрдам берамиз. Мураккаб конструкцияларни ўрнатиш, асбоб-ускуналарни монтажлаш билан шуғулланамиз.

Шаҳардаги саноат корхоналарининг ҳаммасини қуришда улушимиз борлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу корхоналар эндиликда халқ хўжалиги ва совет кишиларининг эҳтиёжларини қондиришга хизмат килмоқда. Ҳар йили буюртмачиларга кўплаб минерал ўғитлар, капролактам, химия ва қишлоқ хўжалик машиналари, каттиқ қотишмалар, трансформаторлар, қатор кенг истеъмол моллари етказиб берилмоқда.

Эндиликда республикамиз индустриясининг фахри бўлиб қолган капролактам ишлаб чиқариш комплекси, Бекободдаги металлургия заводининг электр билан пўлат эритиш цехи, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг янги қувватлари, Бухоро ип-газлама комбинати, Самарқанд суперфосфат заводи ва бошқа қатор йирик иншоотларда бошқармамиз коллективи қадоқ қўлларининг излари бор.

Коллективимиз орасида монтажчилик касбини улуғлаётган, унинг шуҳратининг ошишига ёрдамлашаётган, бу ажойиб касбга бир умр содиқ бўлиб келаётган бунёдкорлар кўплаб етишиб чиқди. Бошқармада биринчилар қатори бригада пудрати асосида ишлаб, юксак меҳнат кўрсаткичларига эришаётган комплекс бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Абдурашидов, А. Цветков, Б. Непомняший ва бошқа ўнлаб монтажчилар шулар жумласидандир. Бу моҳир бригадирлар раҳбарлик қилаётган коллективлар монтаж ишларини тез ва сз амалга оширмоқдалар. Ўзларининг унумли ва сифатли меҳнатлари билан коллективимиз ютуқлари салмоғининг ортишига, объектларнинг муддатида ва барвақт барпо этилишига, кўплаб моддий ва ишчи кучи ресурсларини тежаб қолишга салмоқли ёрдам бермоқдалар.

Бошқармамизнинг шуҳрати Чирчиқда кенг тарқалган. Ўрта мактабни битириб, худди бу ерга ишга келганимнинг сабаби ҳам шундан бўлса керак. Чунки биз ёшлар шундай коллектив сафида меҳнат қилиш, улкан замонавий ишлаб чиқаришларни бунёд этишда иштирок этишни ўзимиз учун шараф деб билар эдик. Эндиликда ана шу коллектив тарбиясини олиб, монтажчилик касбига содиқ бўлиб қолганлигимдан бениҳоя хурсандман.


Менга касб ўргатган устозларимдан бир умр миннатдорман. Эндигина 17 ёшга кирган, ҳеч қандай ҳунарнинг бошини тутмаган менга ўнлаб монтажчилар раҳнамолик қилдилар. Станислав Эдуардович Чернишов биринчи устозим, мураббийим бўлди. Меҳнатдаги дастлабки қадамларни ана шу меҳрибон, талабчан, ҳақгўй инсон бошлиқ коллектив сафида бошладим. Бригаданинг барча аъзолари мен ва менга ўхшаш ёшларни катта меҳрибонлик билан қуршаб олдилар. Касбларн «сир»ларини ўргатишди, билмаганларимни сўраб ўрганишдан тортинмадим. Уларнинг ёрдами билан монтажчилик касбини қисқа муддатда эгаллаб олдим.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, капролактам комплекс, «Электрохимпром» бирлашмасининг янги қувватлари қурилишида иштирок этдим. Худди шу ерда бундан икки йил муқадам комсомол-ёшлар бригадасига раҳбарлик қилишни менга топширишди. Коллективимизда бор-йўғи тўрт киши бор эди. Лекин у янги келган ёшлар ҳисобига кенгайиб борди. Эндиликда бригадамиз аъзолари сафида 30 киши бор.

Ишни звено усулида ташкил этганмиз. Уларга монтажчилик касбини пухта эгаллаган ишчилар бошчилик қилишяпти. Айни вақтда қўшимча касбларни ўрганишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Ҳозирги вақтда кўпчилик бригадамиз аъзолари икки-уч ихтисосни эгаллашган. Шунинг учун ҳам бирбиримизнинг ўрнимизда бемалол ишлайверамиз.

Бригадамизда тажрибали монтажчилар билан бирга ёшлар ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ака-ука Николай ва Владимир Галкинлар, Альберт Гернер, Алишер Комилов, Азамат Ракшев, Виталий Ширяев ва бошқалар ҳақида фақат илиқ сўзлар айтиш мумкин. Улар барча ишлаб чиқариш жараёнларини пухта бажармоқдалар, ҳар қандай мураккаб вазифани бемалол уддалаяпмоқдалар.

Ҳозирги вақтда монтажчиларимиз «Электрохимпром» бирлашмасида аммиак ишлаб чиқариш комплексини бунёд этишда қатнашмоқдалар. Республикада энг йирик ҳисобланган бу комплекс минерал ўғитлар тайёрлаш учун хом ашё ҳисобланган аммиакдан ҳар йили 450 минг тонна ишлаб чиқаради. Коллективимиз Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшиладиган бу объектни муддатидан икки ой илгари фойдаланишга топшириш юзасидан зиммага олинган соцмажбуриятларни муваффақиятли бажариш йўлида барча бунёдкорлар билан елкама-елка туриб фидокорона ишламоқда. Комплексни шу йилнинг охирига ишлаётган корхоналар сафига қўшилишини таъминлаймиз.



Бригадамиз аъзолари шу муҳим ишлаб чиқариш объекти қурилишида ҳам бир ёқадан бош чиқариб, иноқ ва аҳил бир онла аъзоларидек ишламоқдалар. «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» меҳнатимиз шиори бўлиб қолган. Бу ерда ҳам оғир асбоб-ускуналарни монтаж қилишда блок усулини ишлатяпмиз. Бунда қатор узеллар ерда бир-бирига монтаж қилиб олиниб, сўнгра белгиланган жойга ўрнатилади.

«Бунёдкор» область мукофотининг менга берилиши аввало коллективимиз учун берилган мукофот деб ҳисоблайман. Чунки, уларнинг унумли ва сифатли, фидокорона меҳнати ана шундай юксак тақдирга сазовор бўлди. Бу фақат мен учун эмас, барча бригадамиз аъзолари учун ҳам шарафлидир. Юксак мукофот уларни янги меҳнат зафарларига чорламоқда. Биз бунга жавобан ғайрат камарини янада маҳкам боғлаб ишлаймиз, меҳнатимиз шон-шуҳратини тинмай ошираверамиз. Бу билан илғор коллективимиз анъаналарига содиқ эканлигимизни намойиш этамиз.

Е. НАЗАРОВ,
Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» бошқармаси бригадири, область «Бунёдкор» мукофотининг лауреати.

СЎЗ — ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИГА

ШОЛИ МЎЛ БЎЛАДИ

ЯНГИЙЎЛ. Ленин номли колхознинг Мирзақодир Бадиров бошлиқ шоликорлар бригадаси бу йил 120 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Улар шоли экиш ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширдилар ва шу кунларда парвариш ишлари кучайтириб юборилган.

СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилган шоликорлар пландаги 50 центнер ўрнига 60 центнердан дон олишни мўлжалламоқдалар. Барча агротехника ишлари ана шу мақсадга қаратилгандир.

Ҳозир шоли ниҳолларининг ривожи яхши. Бир марта ўтдан тозаланди. Гектарига 500 килограммдан минерал ўғит солиниб, озиқлантирилмоқда. Бу ишларни амалга оширишда Н. Ўтаганов, Қ. Олимов сингари колхозчилар бошқаларга намуна бўлишмоқда.

А. РИХСИБОЕВ.

КОММУНИСТИК ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ—БОШ МАСАЛА

Янги инсонни камол топтириш коммунистик қурилишнинг энг муҳим программавий мақсадигина бўлиб қолмай, энг зарур шарти ҳамдир. КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг якунларини ҳамда республика пойтахти коммунистларининг пленум қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилган Тошкент шаҳар партия комитетининг 11 июлдаги пленумида шу ҳақда гапирилди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров доклад қилди.

Докладчи, шунингдек музокарада сўзга чиққан Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси Г. Ф. Закритная, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори Қ. Х. Хоназаров, биринчи автомобиль комбинати парткомининг секретари З. В. Гунькова, «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газетасининг бош редактори Ш. О. Убайдуллаев, Ўзбекистон ССР маданият министрининг биринчи ўринбосари Ў. Р. Умарбеков, Тошкент шаҳар ижроия комитети халқ маорифи бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Х. Йўлдошев, Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари С. Алиевлар КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларини Тошкент коммунистлари, барча меҳнаткашлари завқ-шавқ билан кутиб олганликларини, бу қарорлар улар учун ҳаракат программаси бўлиб қолганлигини уқтирдилар.

Кейинги вақтларда шаҳарнинг кўпгина партия ташкилотлари одамларни тарбиялаш, уларнинг ижодий активлигини беш йиллик топшириқларини муваффақиятли ҳал этишга, аввало, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга сафарбар қилиш борасида муайян тажриба орттирдилар. «Ташсельмаш», «Миконд», электрон техника заводларида, бошқа бир қанча корхоналарда коммунистлар давлат планларини ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун масъулият туйғусини чуқур тушуниб олишда, ялпи ишнинг муваффақияти ҳар бир меҳнатчининг ишлаб чиқаришга қўшаётган конкрет ҳиссасига боғлиқлигини англаб олишда ёрдам бериш учун оммавий — сиёсий ишни воситалари ва методларининг бутун хазинасидан фойдаланмоқдалар. Партия ташкилотлари идеологик ишни такомиллаштираётган, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаси — коллектив пудратга ўтиб ишлаётган бригада ва участкалар сони кўпайиб бораётган жойларда ҳалол меҳнат ва муносиб феъл-атвор кўпчилик томонидан эътироф қилиниб, юксак баҳоланишига, данғасалар ва прогулчиларга раҳм-шафқат қилинмаслигига одамларнинг ишончи комил бўлган маънавий иқлим вужудга келмоқда.

Нотиқлар идеология ишининг таъсирчанлиги ҳақида гапириб, беш йиллик бошланганидан бери шаҳарда планга қўшимча равишда 130 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинганлигини мамнуният билан уқтирб ўтдилар. Тошкент корхоналарининг маркаси қўйилган маҳсулотларнинг 17 процентга яқини ҳозир давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш йил сайин кўпаймоқда. 1982 йилнинг биринчи ярмига нисбатан Тошкент корхоналари шундай моллар ишлаб чиқаришни 5,7 процент кўпайтирдилар.

Шу билан бирга нотиқлар қилинган ишни КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларида баён этилган юксак талабларга қиёс қилиб, ишлаб чиқариш программасининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш соҳасида катта нуқсонлар борлигини уқтириб ўтдилар. Йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳажмларини ўстиришнинг атиги 65 процентн меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинганнни нормал бир ҳол деб бўлмайди. Меҳнат самарадорлигини ошириш ишини ҳар бир заводда оддий тартиб ўрнатишдан, план-шартнома ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлашдан бошлаш лозимлиги пленумда қайд этилди. Одамларнинг бўш қолишига ва техниканинг бекор туришига йўл қўймаслиқ, корхоналарни реконструкция қилишни тезроқ ўтказиш, илғор технологияни ва илғор иш усулларини дадилроқ жорий қилиш лозим.

Илмий техника тараққиётининг мана шу ва бошқа вазифаларини ҳал этишда илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг муҳим роль ўйнашини нотиқлар уқтириб ўтишди. Илмий муассасаларнинг партия ташкилотлари, раҳбарлари халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бугунги ва эртанги кунги муҳим, энг зарур масалалари тадқиқотчи коллективларнинг, ҳар бир олимнинг диққат марказида туриши ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак.

Шаҳарнинг меҳнат коллективлари Озиқ-овқат программасини ҳал этишга муҳим ҳисса қўшишлари лозимлигини таъкидлаган пленум иштирокчилари пахтачиликни комплекс механизацнялашнинг кеҳажаги учун, жами ҳосил жуда қисқа муддатларда юқори сифатли қилиб қайта ишланиши учун Тошкент шаҳар партия ташкилотининг зиммасига алоҳида масъулият тушишини уқтирдилар. Юз от кучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқаришни тезроқ бошлаб юбориш — Тошкент, жумладан Куйбишев ва Ҳамза районлари коммунистларининг, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва мотор заводи коллективларининг энг биринчи бурчидир. «Ташсельмаш» заводининг конвейеридан пахтани тўла-тўкис ва сифатли териб олишнинг ҳамма жараёнларини айни бир вақтда таъминлай оладиган янги универсал пахта териш машинаси тезроқ ишлаб чиқарилишига эришиш керак. Келгуси йилдан бошлабоқ пахта етиштирадиган бошқа машина-механизмлар — сеялкалар, культиваторлар, ғўзапоя юладиган, майдалайдиган механизмлар, ғўза учнни чилпийдиган агрегатлар ва бошқа машиналарни янгилаш мумкин ва лозим. Пахта тозалаш саноатига хизмат қилувчи машинасозликда тарқоқ машиналарни ишлаб чиқаришдан технология жараёнларини автоматлаштиришни, пахтани янада тўла-тўкис қайта ишлашни, унинг сифатини оширишни, нобудгарчиликни қисқартиришни таъминлай оладиган комплекслар, поток линиялар ишлаб чиқаришга тезроқ ўтиш зарур.

Нотиқлар Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақани кенг қулоч ёздирган қурувчиларнинг куч-ғайратларини муносиб баҳолаш билан бирга капитал қурилишда ҳам мавжуд резервлардан унчалик тўла-тўкис фойдаланилмаётгани тўғрисида гапирдилар. Йил бошланганидан бери кўп миқдорда уй-жой топширилмай қолди, тўқимачилик комбинатининг гул босиш фабрикаси, унинг Акмал Икромов районидаги филиали ва лак-бўёқ заводи қурилишида қолоқликка йўл қўйилди. Шаҳарни қишга тайёрлашни кучайтириш, уй-жой фондини сақлаш ва ремонт қилишнинг бутун системасини такомиллаштириш керак.

Тошкент — республиканинг энг катта маданият марказидир. Адабиёт ва санъат ходимларини юксак маънавий ва сиёсий етуклик руҳида аниқ мақсадни кўзлаб тарбиялаш, юксак бадиий асарлар яратишда ёрдам бериш, меҳнаткашларни чинакам эстетик обидалардан баҳраманд этиш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш — партия комитетларининг, ижодий союзлар ва ташкилотларнинг бевосита бурчидир.

Марксизм-ленинизмни ўрганиш, иқтисодий таълим ва комсомол сиёсий маорифи системаси такомиллаштириб борилаётганлиги шаҳар меҳнатчилари олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам бериши лозимлигини пленум қатнашчилари уқтириб ўтдилар.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти, дейишди нотиқлар, пойтахт ташкилоти деган юксак ва фахрли номни ҳамиша шараф билан оқлаб келди ва оқламоқда. Унинг кучлари кўп, ундаги яхши тажрибали кадрлар КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми ўртага қўйган кенг кўламдаги вазифаларни бемалол ҳал этишга қодирдирлар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

СЎНГГИ СОАТДА

✦ БЕРЛИН. ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Берлин округ комитетининг биринчи секретари Конрад Науман Берлинда сўзлаб, социалистик мамлакатлар раҳбар партия ва давлат арбоблари Москва учрашувининг қатнашчилари қабул қилган қўшма баёнот уларнинг тинчликсеварлиги ва барча кучлар билан ядро фалокатининг олдини олишга интилаётганлигининг ёрқин далилидир, деди.

✦ РИМ. Италия тинчлик комитетлари миллий мувофиқлаштириш марказининг ташаббуси билан Сицилиядаги Комизо деган жойда Тинчлик лагери очилди. Бу ерда йил охирларидан бошлаб Американинг ўртача олисликка учириладиган ядровий ракеталари жойлаштирилиши керак эди.

Тинчлик лагерининг қатнашчилари бир неча ой мобайнида намойишлар, учрашувлар, мунозаралар ўтказадилар ва бу пайтда қуролсизланиш проблемаларини муҳокама қиладилар, милитарлаштиришга ва қуролланиш пойгасига қарши, Сицилия Америка ракеталарининг старт майдонига айлантирилишига қарши намойишлар ўтказадилар. Шу тадбирларда Италиянинггина эмас, бошқа мамлакатларнинг ҳам урушга қарши ташкилотлари активлари қатнашиши мўлжалланмоқда.

✦ ДЕҲЛИ. Ҳиндистонда кейинги уч йил ичида суғориладиган ерлар майдони қарийб етти миллион гектар кўпайди. Давлат ирригация министри Рам Нивас Мирдҳа бу ерда айтдики, шу 1983/84 молия йилида давлат турли ирригация иншоотларини қуришга 26 миллиард рупиядан кўп маблағ ажратган.

(ТАСС).

АНҚАРА. (ТАСС). Туркиянинг Қора денгиз соҳилидаги Зонгулдак шаҳрида 1982 йил ноябрь ойида АН-24 совет пассажир самолёти экипажини Туркиянинг Синоп шаҳрида қўнишга мажбур этиб, самолётни олиб қочган 3 жиноятчи устидан суд тугади. Бандитлар экипаж аъзоларидан бир кишини, пассажирлардан бир кишини ярадор қилган эдилар.

Туркия суди самолётни олиб қочишга бандитизм деб баҳо берди. Самолётни олиб қочганлиги ҳамда экипаж аъзолари ва пассажирларга нисбатан қурол ишлатиб ғоят оғир жиноят қилганлиги учун суд жиноятчиларни Туркия турмасида 9 йилдан ортиқ муддатга қаттиқ режимда сақлаб озодликдан маҳрум этишга қарор қилди.

Маълумки, Совет Иттифоқи жиноятчиларни топширишни талаб қилган эди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БАЗАСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам шу йўлдан борган ҳар бир ишлаб чиқариш коллективи ҳеч вақт ютқазмайди, унинг меҳнати натижаси янада баракали ва сифатли бўлади, зиммасига юклатилган вазифалар енгил амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам коллективимиз ишлаб чиқаришни интенсивлашни ўз фаолиятининг асосий вазифаси деб қарамоқда. Трестимизга қарашли барча корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш, техника воситаларини модернизациялаш ва бўлинмаларни қайта ускуналашга алоҳида эътибор берилаётганлиги ҳам шундандир. Ҳозирги вақтдаёқ корхоналаримиз қишлоқ қурилишининг йиғма-темир-бетон, дурадгорлик буюмлари, норуда материалларга бўлган эҳтиёжларининг деярли 80 процентини таъминламоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин кенгайиб боряпти, буюмлар номенклатураси эса кенгаймоқда. Фақатгина шу йилнинг ўтган беш ойида маҳсулот реализация қилиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13 процент ошди.

Ўн биринчи беш йилликнинг охирigача ҳар йили йиғма темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш ҳажмини 630 минг куб метрга етказиш назарда тутилмоқда. Бу беш йиллик бошидагига нисбатан бир ярим баравар кўпдир. Ҳозир коллективимиз шу вазифани ҳал қилиш устида сабот-матонат билан ишлаяпти. Трестимиз фаолиятида қишлоқларда қад кўтараётган бинолар ва иншоотларнинг йиғма даражасини ошириш ва шу билан қурилиш ишларини жадаллаштириш, таннархини арзонлаштириш асосий йўналишдир. Шу мақсадда самарали конструкциялар, буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ҳажми тўхтовсиз кўпаймоқда, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ечимлари тобора кенг жорий қилиняпти.

Бу ишда Тошкент областида жойлашган корхоналар коллективлари етакчи роль ўйнамоқдалар. Улар тармоқда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга салмоқли таъсир кўрсатмоқдалар. Бу корхоналарда турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш давомида уларнинг қувватлари ҳам ортиб бормоқда, технологияси такомиллаштириляпти. Бу ишларнинг ҳаммаси аниқ программа асосида амалга оширилмоқда.

Наримонов эксперименталь темир-бетон буюмлари заводи трестимизнинг фахри бўлиб қолди, десам муболаға қилмаган бўламан. Ҳозир бу корхонада ҳар йили 60 минг куб метр маҳсулот тайёрланмоқда. Коллектив бир маромда ишлаяпти, конструкциялар ва буюмлар реализация қилиш планларини ой сайин тўла ва оширибадо этмоқда. Қишлоқ қурилишларига зарур конструкциялар график асосида етказиб берилмоқда. Заводда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг наряд-сиз системаси жорий қилинган. Бунда бригада аъзоларининг меҳнати у ёки бу топшириқни бажаришга қўшган ҳиссаси коэффициенти асосида ҳисобга олинмоқда.

Корхонани реконструкция қилиш ва кенгайтириш ишлари давом эттириляпти. Кейинги вақтда бетон қориш узели, арматура цехи модернизация қилинди, қурилиш лабораторияси корпуси қад кўтарди.

Корхонада жаҳон амалиётида биринчи марта очиқ типдаги гелиополигон қурилди. Бу ерда қолиплаш жараёнида бетоннинг қотишини тезлаштириш учун қўёш энергиясидан фойдаланиляпти. Шундай технология асосида ишлаб чиқарилган қатор конструкциялар ва бетонлар қишлоқ қурилишларига етказиб берилди ва улар яхши баҳо олмоқда.

Тўғри, у тажриба полигони ҳисобланади. Лекин шунга қарамай, дастлабки натижалар янги усул кўп миқдорда иқтисодий самара беришига шубҳа қолдирмайди. Ҳисоблашларга қараганда ҳар бир куб метр йиғма темир-бетонни тайёрлашда 60 — 70 килограмм шартли ёқилғи тежаб қолинар экан. Гелиополигонда фақатгина 6 киши ишлайди. Бу оддий полигонлардагига нисбатан анча кам.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИГА ИНДУСТРИАЛ УСУЛЛАР

Трестимизнинг эксперименталь-механика заводи ҳам шу шаҳарда жойлашган. Бу корхона коллективи зиммасига янги механизмлар ва асбоб-ускуналар тайёрлаш йўли билан қишлоқ қурилишида фан-техника тараққиётига кўмаклашиш вазифаси юклатилган. Ҳозирги вақтда бу ерда самарали конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш учун металл қолиплар тайёрланмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнлари мутта-сил такомиллаштириляпти. Яқинда амалга оширилган реконструкция натижасида қалинлиги 10 миллиметрдан 60 миллиметргача бўлган металл тахталарни қирқиш линияси, монтаж халқаларини букиш учун ярим автомат ва бошқа шу каби қимматли техник-технологик янгиликлар жорий қилинди.

Юбилей посёлкасида йиғик панелли уйсозлик заводи ишга туширилди. У мана бир ярим йилдан бери республика қишлоқ қурилишлари учун тайёр уйлар етказиб бермоқда. Ҳар йили 100 минг квадрат метр уй-жой тайёрлашга мўлжалланган бу корхонанинг барпо этилиши қишлоқ қурилишида катта воқеа бўлди. Ҳозирги вақтда заводда бир ва икки қаватли уй-жой комплектлари ишлаб чиқарилмоқда. Уларда маҳаллий анъаналар, иқлим шароитлари алоҳида ҳисобга олинган. Сал илгари унинг ёнида бинокорлик конструкциялари комбинати қад кўтарди. Шуниси диққатга сазоворки, ҳар йили 86 минг куб метр йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу корхона асосан бутун республикамиз территориясида қад кўтарадиган чорвачилик комплекслари учун конструкциялар ва буюмлар тайёрлашга ихтисослашган. Корхона коллективи ўз меҳнати билан Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сергелидаги ёғочсозлик заводимиз коллективи етказиб бераётган маҳсулотлар тури ҳам, уларни олаётган буюртмачилар сони ҳам мутта-сил кенгайиб бормоқда. Ҳар йили 100 минг квадрат метр дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу корхона коллективи зиммасидаги вазифани муваффақиятли уддаламоқда. Бунда айниқса, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш самараси салмоқли бўлмоқда.

Трестимиз коллективи бундан буён ҳам қишлоқ қурилишлари эҳтиёжлари учун бинокорлик материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш йўлидан бораверади. Коллективимизнинг шу мақсад билан қилаётган фидокорона меҳнати самарали бўлмоқда. Шунинг учун ҳам турдош коллективларнинг Бутуниттифоқ мусобақасида муваффақиятли қатнашмоқдамиз. Шу йилнинг биринчи кварталидаги ишимиз якунлари жуда қувончли бўлди. Зиммамиздаги вазифа барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли уддаланди. Шунинг учун ҳам биринчи квартал якунлари бўйича СССР Қишлоқ қурилиши министрлиги ва тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлдик.

Коллективимиз қўлга киритилаётган ютуқлар билан чекланиб қолмайди. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида кўрсатилганидек, бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш ва янги-янги меҳнат зафарларини қўлга киритиш учун курашиш коллективимиз меҳнат шиори бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам биз фаолиятимизни яхшилашга ёрдам берадиган барча имкониятлар ва резервлардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Айниқса ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга бўлган эътибор тўхтовсиз кучайиб боради. Бу сохада катта ҳажмдаги ишларни амалга оширишни режалаб қўйганмиз. Лекин бу йилда маълум қийинчиликлар ҳам учраб турибди. Чунки, реконструкция ва кенгайтириш ишларини асосан хўжалик усули билан амалга оширмоқдамиз. Бу билан эса мўлжалланган маҳсалга эришиш жуда мушкул. Катта ҳажмдаги реконструкция ишларини фақатгина шу усул билан тез ва соз амалга ошириш мумкин бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам Қишлоқ қурилиши министрлиги ҳузурида ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш билан шуғулланадиган махсус механизациялашган кўчма колонна ташкил этиш вақти келди. Бизнингча, бу масала қанча барвақт ҳал этилса, шунча яхши бўлади, қишлоқ қурилишларини турли-туман бинокорлик материаллари билан таъминлашни янада яхшилаш имкониятлари кенгаярди.

Г. ЖУКОВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги «Ўзсельстройиндустрия» трести техника бўлими бошлиғи.

БУТУН ПАРТИЯНИНГ ИШИ

ПАРТИЯ УҚУВИ, КОМСОМОЛ СИЁСИЙ МАОРИФИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДА, ОММАВИЙ ПРОПАГАНДА ФОРМАЛАРИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1983 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ УРГАНИШГА ДОИР

Ҳозирги пайтда партия ташкилотларн кенг халқ оммаси орасида июнь Пленуми материалларини тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Совет кишиларн КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов нутқидаги, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари К. У. Черненконинг «Партия идеологик, оммавий-сиёсий ишларининг актуал масалалари» тўғрисида қилган докладидаги назарий, сиёсий қондалар ва хулосаларга зўр қизиқиш билан қараётганлигини назарда тутиб, шу йил июль-сентябрь ойлари мобайнида меҳнаткашлар билан икки машғулот ўтказиш тавсия қилинади.

Партия комитетлари маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, шу машғулотларни ўтказиш учун конкрет вақтни белгилайдилар. Шу машғулотларнинг раҳбарларига ёрдам тариқасида қуйидаги тахминий план эълон қилинмоқда.

I. ЯНГИ ИНСОННИ ШАКЛЛАНТИРИШ — КОММУНИСТИК БУНЕДКОРЛИКНИНГ МАҚСАДИ ВА ШАРТИ

Ривожланган социализмни планли равишда ҳар томонлама такомиллаштириш — партиянинг, бутун совет халқининг стратегик вазифасидир. Ҳозирги шароитда олиб бориладиган идеологик ишда партиянинг асосий вазифалари. Халқ хўжалик вазифалари ва социал вазифаларни ҳал этишда идеология иши ролининг ортиб бораётганлиги. Идеологик иш услубини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш. Шаблон, расмиятчилик, дабдабабозликка барҳам бериш.

Марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш — коммунистик тарбия негизидир. Революцион таълимотни чуқур эгаллаш — совет кишилари ғоявий матонатининг манбаи. Жаҳон майдонида идеология курашининг кескинлашуви. Меҳнаткашларни синфий чиниқтириш, уларда сиёсий ҳушёрликни, буржуа идеологияси таъсирига қарши туриш қобилиятини ривожлантириш, ғоявий мухолифлар билан асосли, муросасиз мунозара олиб бориш. Социалистик тузум афзалликларини билиш ва уларни маҳорат билан пропаганда қилиш. Ҳозирги вазиятда қарши пропаганда ишининг аҳамияти.

Ҳар бир кишида меҳнат қилишга эҳтиёж руҳини, умумий фаровонлик йўлида виждонан ишлаш заруратини равшан англаш руҳини тарбиялаш. Меҳнатга виждонан, онгли муносабатда бўлиш — социалистик турмуш тарзининг туб негизи. Демократияни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, ишлаб чиқаришни, жамият ва давлат ишларини бошқаришда, салбий ҳодисаларга қарши курашда меҳнаткашлар иштирокини кенгайтириш социалистик турмуш нормаларини бузувчиларнинг ҳаммасига нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтириш. Совет кишиларини пролетар интернационализми, социалистик ватанпарварлик руҳида, ўз гражданлик бурчини бажариш учун масъулият руҳида тарбиялаш.

Янги инсонни шакллантиришда оммавий ахборот ва пропаганда воситалари, маориф ва ҳунар-техника таълими, маданият ва санъат органлари ролининг кучайиши.

II. СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАРНИ ИДЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ

Жамият ишлаб чиқарувчи кучларида чуқур сифат ўзгаришларининг объектив зарурлиги ва шунга мувофиқ ишлаб чиқариш муносабатларининг такомиллаштирилиши. Оммани туб халқ хўжалик проблемаларини ҳал этишга: ишлаб чиқаришни интенсивлашга, фан ва техника ютуқларини тезроқ жорий этишга, Озиқ-овқат ва Энергетика программаларини амалга оширишга, мамлакат ишлаб чиқариш потенциалидан рационал фойдаланишни таъминлашга, меҳнат унумдорлигини юксалтиришга ва шу асосда Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини ўстиришга сафарбар этиш. Меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ тақсимот принципига изчиллик билан риоя этиш. Бутун хўжалик механизмининг соз ишлашини таъминлаш, ҳамма ишда оқилона тежаб-тергаш, социалистик мусобақанинг янги формаларини жорий этиш.

Жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлган инсоннинг камол топишига қўйилаётган талабларнинг ортиб бориши. Ходимлар профессионал маҳорати ва иқтисодий билими ўсишининг, уларнинг меҳнат коллективлари ва тармоқ иқтисодий ҳаёти масалаларидан, фан, техника ва илғор тажриба янгиликларидан муттасил хабардор бўлиб туришининг зарурлиги. Ҳар бир кишида юксак интизомлилик, уюшқоқлик, янгиликни ҳис эта билиш, умумхалқ мулкини авайлаб асрай билиш руҳини тарбиялаш.

Меҳнат коллективларининг одамлар билан иш олиб бориш учун, уларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этиш ҳуқуқи ва вазифаларининг, масъулиятининг ошиши. Меҳнатни ташкил этиш бригада формалари ва бошқа ташкилий-иқтисодий омиллар тарбиявий ролининг кучайиши. 1983 йил ва умуман беш йиллик планнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш — барча меҳнаткашларнинг, меҳнат коллективлари ва тармоқларнинг биринчи навбатдаги бурчидир.

* * *

Машғулотларнинг раҳбарларига июнь Пленуми материалларини ўрганишни маҳаллий партия ташкилотлари ҳал этаётган актуал ижтимоий ва ишлаб чиқариш вазифалари билан чамбарчас олиб бориш, Пленум кўрсатмаларини конкрет меҳнат коллективига татбиқ эта билиш тавсия этилади.

Сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари машғулот раҳбарларини зарур ахборот справка материаллари билан таъминлашлари керак.

АДАБИЁТ

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил 14—15 июндаги Пленуми материаллари. Москва, Политиздат, 1983.

КПСС Саратов область комитетининг иши тўғрисидаги ҳисобот. КПСС Марказий Комитетининг қарори. «Правда», 1983, 7 июль.

Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида СССР Қонуни. «Правда», 1983, 19 июнь.

Ю. В. Андропов. Карл Маркс таълимоти ва СССРда социализм қурилишининг баъзи масалалари. Москва. Политиздат. 1983.



● **ТОШКЕНТДАГИ «Компрессор» заводида беш йилликни муддатидан илгари бажариш ҳаракатига қўшилган ишчилар сафи тобора кўпайиб бормоқда. 3-йиғув-механика цехининг Коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи Марат Сулаймонов шундай ноздошлардан биридир. Айни пайтда у смена топшириқларини 120—130 процентга етказиб, социалистик мусобақада пеқшадамлик қиляпти. Суратда: М. Сулаймонов иш устида.**

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

ДЕПУТАТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ГЎЛОЙИМ

У яна ҳар кунгидек ғираширада бригадаси томон илдамлаб кетди. Ғўзалар анча дуркунлашиб қолибди. Бу албатта пахтакорнинг қадоқ қўли, қалб тафти, меҳри туфайли. Гулойим хамирдек кўпчиб ётган, янги культивациядан чиққан юмшоқ ерга қўлини солиб чангалини тўлдириб тупроқ олди. Сувдасув, ўғитда-ўғит бериб турилди. Ернинг структураси, мелиоратив ҳолати яхши. Лекин қуёшнинг тафти етмаётганлиги шундай билиниб турибди. Ер апрель-май ойида, ҳатто июнда ҳам росмана қизигани йўқ. Пахта қуёшнинг нури билан етилади. Ўша айтилган 2600—2800 даража иссиқни эммас экан, қалдиғ-басти келмайди. Шуҳинг учун Гулойим ерни кўпчитаяпти. Кўпроқ маҳаллий ўғит солиб, ишлов бермоқда. Ерни чуқурроқ ҳайдатиб, қатини иссиққа тоблаяпти.

У бир-икки эгатни чамалаб ҳисоблаб кўрди. Мана бир метр-у 10 сантиметр. 13—15 тадан ўсимлик бор. Бу ҳар гектарда 130—140 минг туп кўчат дегани. Ҳосил шохлари пайдо бўла бошлади. Об-ҳаво қандай қийин келмасин барибир айтилган маррани забт этади. Ваъдага вафо қилиш унга одат бўлиб қолган.

...Гулойим нечундир шу дам ўтган йилларни эслади. 1978 йил мактабни битиргач далага ишга чиқди. Ўз истаги билан турсунойчилар мактабига ўқишга борди. Курсни битириб қайтгач, техника паркида икки йил слесарь бўлиб ишлади. Очиғини айтганда бригада бошлиғи пахта териш машинасини унга топширишга рози бўлмади. Бу воқеа унга қатиқ таъсир қилди. Бир томондан бригада бошлиғини ҳам тушуниш мумкин. Йил бўйи етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай тез йиғиштириб олса планни барвақт бажаради, юзи ёруғ бўлади. Механизатор нўноқ бўлса, ишнинг пачаваси чиқади. Шунда колхоз раиси Жуман Элчибоев бригадирга бир гапни айтди: Отни ҳам, тойни ҳам ўйлаш керак. Ёшлар бизнинг эртанги куним-миз. Мен Гулойимга ишонаман. Слесарликни эгаллади, энди қоқилмайди. Мавсумнинг охирида ўзингиз узр сўрайсиз.

Бу сўзлар Гулойимнинг руҳини кўтарди. Қалбини янги режалар, орзулар забт этди. Бутун куч ва ғайратини сарфлаб толмай ишлаш иштиёқи пайдо бўлди. 1980 йил 17—ХВ икки қаторли пахта териш машинасида 60 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб хирмонга тўкди. Интизомда, меҳнат самарадорлигида намуна бўлди. Ишни уюштиришда яхши ташкилотчи эканини кўрсатди. Келгуси йил колхоз правлениеси ва партия ташкилоти уни янги тузилган комсомол-ёшлар бригадасига бошлиқ этиб тайинлади. Гулойим Тулепбекова уста механизаторгина эмас, ажойиб ташкилотчи, юқори ҳосил устаси эканлигини намойиш этди. 1981 йил у бошлиқ комсомол-ёшлар коллективи ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» етиштирди. ВДНХнинг мукофотини олишга муваффақ бўлди. Бригада колхозда биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш планини бажарди.

Ўтган йил ҳар гектаридан 53 центнердан ҳосил йиғиб олиниб, ёшлар бригадасининг доврүғи довон ошиб, шу колхоздаги мактабни битирган ёшларнинг деярли ҳаммаси район Советининг депутати Гулойим Тулепбекова бошлиқ бригадага аъзо бўлишга ариза беришди.

Гулойим Тулепбекова бошлиқ бригадада доимо ҳаёт қайнайди. Ҳозир пахтазорнинг ҳар гектарига 300 килограммдан минерал, 300—500 килограммдан маҳаллий ўғит солинib учинчи сув беришга тайёргарлик кўрилмоқда. Ғўзаларга беш марта ишлов берилди. Бу бригада парваришлаб колхозда олдинда бормоқда.

Гулойим ишлаб чиқаришда илғор бўлиш билан бирга жамоат топшириқларини ҳам ҳамиша ўрнига қўяди. Ҳар қандай ишга вақт топади. Шунинг учун ҳам уни район Советига депутат қилиб сайлашган. У депутат сифатида берилган наказларни ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

Гулойим Тулепбековани колхоздаги ёшлар ҳурмат қилишади. Унга маслаҳат билан келишади. У эса доимо йигит-қизларга ёрдам беришга тайёр. Колхозда маданий-маиший ишларни ташкил этишда айниқса жон куйдиради. Колхоз клуби ҳузуридаги «Ёш қанот» бадиий ҳаваскорлик тўгараги фаолияти ҳам унинг эътиборидан четда қолмайди.

Бригада дала шийпони комсомол-ёшларнинг иккинчи уйига айланган. Самарали меҳнатдан сўнг бу ерда маданий дам олиш мумкин. Бригада аъзолари шахматшашка ўйнашади. Газета ва журналларнинг янги сонлари билан таништишади. Вақти-вақти билан «Балли, қизлар» баҳси ўтказиб турилади.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида худди шу масала, яъни қишларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этишга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан Пленум қарорида шундай деб таъкидланади. «Айниқса, қишлоқда меҳнаткашларнинг бўш вақтларини ташкил этишда маданий-маърифий муассасаларнинг роли оширилсин».

Район Советининг депутати ишчан Гулойим Тулепбекова Пленум материалларини ўзи чуқур ўрганиб чиққач, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишни бошлади. Маданий-оқартув ишларни Пленум қўйган талаблар асосида ташкил этишга ҳисса қўшмоқда.

Б. ПЎЛАТОВ.

РАҲНАМО, ЕТАКЧИ

РСДРП II СЪЕЗДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Коммунистик партиянинг сиёсий доҳийси, ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг ташкилотчиси ҳамда тарбиячиси, янги ижтимоий тузумни ривожлантириш бўйича омма фаолиятининг илҳомчиси сифатидаги ролининг тобора ортиб бориши социалистик қурилишнинг энг муҳим қонуниятларидан биридир. СССРда социалистик қурилиш тажрибаси совет халқи илмий асосланган партиявий раҳбарлик, КПССнинг актив бунёдкорлик фаолияти туфайли хўжалик, социал-маданий қурилишда улкан муваффақиятларга эришганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП II съездининг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарорида «Халқимиз ўзининг ҳамма муваффақиятларини совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи, унинг сиёсий системасининг ўзаги бўлмиш КПССнинг кўпқиррали фаолияти билан ҳақли равишда боғлайди», деб таъкидланади.

Ҳозирги етук социализм шароитида Коммунистик партиянинг роли янада ортиб боради. Чунки янги жамият қурилишидаги вазифаларнинг кўлами кенгайиб, мураккаблашганлиги сиёсий ва ташкилий раҳбарликни янада юксак поғонага кўтаришни талаб этади. Айни пайтда ҳозирги даврда оммanинг ижодий активлиги юксалмоқда. Миллионлаб меҳнаткашлар ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этмоқдалар, социалистик демократия ривожланиб боряпти, жамоат ташкилотларининг роли кучаймоқда. Шунингдек, илмий коммунизм назариясининг аҳамияти ортмоқда. Давр идеологик, сиёсий ва тарбиявий ишларни янада такомиллаштиришни талаб этяпти.

Бундан 80 йил муқаддам Ленин партияси Россия пролетариатининг партияси, илмий социализм ғояларини ишчилар ҳаракати билан боғлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ташкилот сифатида сиёсий майдонга чиқди. Бу давр ичида КПСС марксча революционерларнинг кичик ташкилотидан 18 миллиондан зиёд коммунисти бўлган қудратли, жипслашган партияга айланди.

КПСС ўзининг революцион ва бунёдкорлик ишининг ҳамма босқичларида партиядаги ишчилар ядросини мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб келган. Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидаги ишчилар сони 8 миллион нафарга етди. Чорак аср илгари партиямиздаги барча коммунистларнинг сони шунча эди.

КПССнинг ўз сафидаги ишчилар синфига таяниши бу синфнинг совет жамиятидаги ҳаётидаги роли муттасил ортиб бораётганлиги билан ҳам изоҳланади. Мамлакатимизда ишчилар сони муттасил ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда СССРдаги меҳнат билан машғул аҳолининг учдан икки қисми — 80 миллионга яқин киши шу синфга мансубдир. Ишчилар мамлакатимизда энг кўп сонли синфгина бўлиб қолмай, иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кучига ҳам айланди.

Партия XXV ва XXVI съездлари ўртасида КПСС сафига ишчилар синфи энг яхши вакилларидан 1,5 миллион киши қабул қилинди. Бу партия аъзолигига жами қабул қилинганларнинг 59 процентини ташкил этади.

Партия ташкилотларининг саноат ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилишдаги ролини Тошкент область партия ташкилоти мисолида ҳам кўриш мумкин. Саноат корхоналаридаги бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқаришни интенсивлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, халқ хўжалигига раҳбарлик қилишни такомиллаштириш билан бевосита шуғулланиб келмоқдалар. Бу ишлар КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленумидан сўнг янада самаралироқ олиб борилаётган бўлиб қолди. Буни ўн биринчи беш йиллик учинчи йилининг ўтган олти ойлик якунларида ҳам яққол кўриш мумкин. Пойтахт области индустрияси бу даврда планга қўшимча равишда 60 миллион сўмликдан кўп саноат маҳсулотлари реализация қилди. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш пландаги 2,2 процент ўрнига 4,6 процентни ташкил этди. Бу ўсишнинг учдан икки қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Партия ташкилотлари ишлаб чиқаришга раҳбарликни янада кучайтириб, юксак пировард натижаларга эришилишини таъминлаётирлар. Бу В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ташсельмаш», «Компрессор», «Ўзбекхиммаш», Ангрендаги резина-техника заводлари ва бошқа корхоналар партия комитетлари иш услубида айниқса яққол кўринади.

Қишлоқ хўжалигига партиявий раҳбарлик ҳам яхшиланиб бормоқда. Ҳозирги пайтда колхоз ва совхозлар партия ташкилотлари агросаноат комплексини ривожлантириш, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш масалаларини изчил ҳал қилмоқдалар. Уларнинг ташкилотчилиги туфайли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илғор иш усуллари кенг жорий этиляпти. Ҳозирги пайтда областдаги далачилик бригада ва звеноларининг аксарияти меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг нарядсиз системаси асосида ишламоқда. Бу усулнинг ғоят самарали эканлигини Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм» ва Тимирязев номли колхозлар, бошқа районлардаги хўжаликлар иш тажрибаси исботламоқда.

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш фақат қишлоқ партия ташкилотларининггина эмас, шунингдек, шаҳар партия ташкилотларининг ҳам энг муҳим иши бўлиб қолди. Тошкент шаҳри партия ташкилотларининг ташкилотчилик ишлари туфайли саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари шу беш йиллик бошидан буён қишлоққа 15 миллион сўмлик оталиқ ёрдами кўрсатдилар. Чорвачиликни ривожлантиришга 9 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Хўжалик, ташкилотчилик ва идеологик ишларнинг узвий бирлигини таъминлаш шу куннинг талабига айланган. Партия комитетлари бошланғич ташкилотлар жанговарлигини ошириш ва меҳнат коллективларига партиявий таъсирни кучайтириш чораларини кўрмоқдалар. Ҳозирги пайтда область партия ташкилотида 4 мингдан кўпроқ бошланғич, 4800 та цех партия ташкилотлари, 5 мингга яқин партия группалари мавжуд. Улар меҳнат коллективларининг сиёсий ўзаги ҳисобланади. Бошланғич партия ташкилотлари экономикага раҳбарликни кучайтириш билан бир қаторда, идеологик, оммавий-сиёсий ишларни КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми асосида янада такомиллаштириш чораларини кўрмоқдалар.

Ҳукмрон партия ҳисобланган КПСС давлат ҳаётига тааллуқли масалалар бўйича ўз сиёсатини халқ депутатлари Советларига сайланган депутат коммунистлар ҳамда давлат муассасаларида ишлаётган партия аъзолари орқали юритади. 1980 йилда Ўзбекистон ССР Олий Советига сайланган депутатларнинг 67,8 процента, маҳаллий Советларга сайланган депутатларнинг 54,5 процентини КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар ташкил этади. 4 миллионга яқин коммунист мамлакатимиз касаба союз ташкилотларида катта ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни олиб бормоқда. Республикамиздаги бошланғич комсомол ташкилотларининг учдан икки қисмига коммунистлар етакчилик қиладилар.

КПСС халқ манфаатларини, умуман жамият манфаатларини ҳамма нарсадан ҳам юқори қўяди. У меҳнаткашлар ижодий ташаббускорлигини, социал активлигини таъминловчи шароитларни яратишга доимий эътибор беради. Бу активлик, ташаббускорлик партия режаларининг реаллигини, унинг халқ ва жамият ҳаётидаги роли тобора ортаётганлигини кўрсатади.

Бу КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида ҳам яна бир бор таъкидланди. «Мамлакат олдида турган жуда катта вазифаларни ҳал этиш учун партиянинг раҳбарлик роли янада оширилиши керак, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов Пленумда сўзлаган нутқида. — Шу сабабли партия ўзининг иш формалари ва методларини доимо такомиллаштириши лозим».

Совет халқининг авангарди ҳисобланган КПСС мамлакатимиз меҳнаткашларини коммунистик қурилишда янги марраларни эгаллаш учун дадил олға бошлаб боряпти.

Л. БЕЛЯВСКИЙ,
тарих фанлари кандидати, доцент.

Агросаноат бирлашмаси:

ВАЗИФА, ИСТИҚБОЛ, МУАММО

ҲАР БИР соҳада бўлганидек, қишлоқ хўжалигида ҳам бажарилган ишларнинг салмоғи эришилган пировард натижага қараб баҳоланади. Пировард натижанинг яхши бўлиши эса энг аввало шу соҳа билан шуғулланувчи одамларнинг ғайратига, ўз касбига ихлоси, муносабатига, қолаверса улар билан олиб бориладиган амалий, ташкилий хўжалик ишларининг савиясига боғлиқдир. Биз ўз фаолиятимизга ана шу нуқтаи назардан муносабатда бўлишга ҳаракат қиляпмиз.

Районимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб йилдан-йилга яхши натижаларга эришаётган эканлар, бу соҳада биз мутахассисларнинг бирлашма ходимларининг ҳам озми-кўпми ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

КПСС XXVI съездида чорвачилик — қишлоқдаги зарбдор фронт, деб эълон қилинди. КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми тасдиқлаб берган СССРнинг Озиқ-овқат программаси бажарилишида чорвачиликни жадал ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Кейинги йилларда партия кўрсатмалари асосида бу соҳада бирмунча ишлар амалга оширилди. Хўжаликларда янги-янги комплекслар қурилиб, ишга туширилди. Мавжуд фермалар эса қайтадан реконструкция қилинди. Молларнинг зотини яхшилаш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Эндиликда илғор хўжаликларда ҳар гектаридан 500—600 центнердан маккажўхори кўкпояси, 200—220 центнердан беда пичани, гектаридан 80—100 центнердан маккажўхори дони олинмоқда.

Озуқа салмоғини кўпайтириш ва моллар рационининг тўйимли бўлишини таъминлашда оралиқ экинларнинг роли ортиб бораётир. Фермаларни малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш борасида кўрилаётган тадбирлар ҳам яхши самара бераётир. Шу туфайли ҳар йили гўшт, сут етиштириш суръатлари ўсиб бораётир. Ёрдамчи чорвачилик хўжаликларининг умумий ютуғимизга қўшаётган ҳиссаси ҳам баракали бўлмоқда.

Эришилган натижаларни пухта таҳлил этиш ҳали лозим. Ҳақиқатан ҳам мутахассисда гап кўп. Қаерда мутахассис ўз ишини пухта билиб, бурчига садоқат билан муносабатда бўлса, ўша фермада сигирлар зоти яхшиланиб боради. Кўплаб бузоқ олинади. Моллар соғлом ўсади.

Сигирлардан кўплаб соғлом бузоқ олинишида шунингдек, осеменаторнинг роли каттадир. Шунинг учун ҳам биз колхоз ва совхозларда осеменаторлар қадрини ошириш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш масаласини қайта кўриб чиқдик. Натижа қувончли бўлди. Ҳозирги кунда ҳар бир хўжаликда мутахассислар меҳнатига рағбатлантирилган ҳақ тўланмоқда. Шунга яраша уларга нисбатан талабчанлик ҳам кучайтирилган.

Бу соҳада «Ленин йўли», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозлари ва Абдурахмонов номли совхозларда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Агросаноат бирлашмамизнинг бевосита чорвачилик ишлари билан шуғулланувчи аъзолари ва мутахассислари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX Пленуми қарорларидан келиб чиқиб яна бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу ишларнинг самараси анча салмоқли бўлаётганлигини ярим йиллик якунлари кўрсатиб турибди. Ўтган олти ой мобайнида районимиз бўйича 1283 тонна гўшт, 6370 тонна сут. 2 миллион 560 минг дона тухум етиштирилди. Бу ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда гўштга нисбатан 95 тонна, сутга нисбатан 402 тонна, тухумга нисбатан 186 минг дона кўпдир.

Айниқса, Карл Маркс номли, «Ленин йўли», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозлари, Абдурахмонов номли совхоз чорвадорлари яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Бу ютуқларнинг сири нимада?

Энг аввало шуни айтиш керакки, бу хўжаликларда ем-хашак етиштириш билан ихтисослаштирилган бригадалар шуғулланмоқдалар. Умуман районда ҳозирги кунда бундай бригадаларнинг сони 12 тадан ортиб кетди. Ихтисослаштириш туфайли ернинг эгасизланиб қолишига чек қўйилди. Техникадан самарадорлик билан фойдаланиш мумкин бўлмоқда. Экинлар парваришини ўз вақтида, юксак агротехника савиясида ўтказиш — ем-хашак экинларининг барча турларидан ҳам барқарор юқори ҳосил олишни таъминлаётир.

Моллар зоти яхшилаб олинган. Энг муҳими маҳаллий иқлим шароитига мослашган серсут, сермаҳсул сигирлардан олинган уруғчи бузоқларни алоҳида ажратиб, яхшилаб парвариш қилиш ҳисобига серсут сигирлар подасини тўлдириб боришга катта эътибор беряпмиз.

Биз бундай хўжаликларнинг тажрибасини кенг ёйишга эътибор бермоқдамиз. Ҳар ойда советнинг бўлиб турадиган йиғилишида албатта, чорвачиликка тааллуқли масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Яқиндагина бўлиб ўтган йиғилишлардан бирида хўжаликларда ем-хашак тайёрлашнинг аҳволини муҳокама қилдик. Бу ҳақда бирлашмамизнинг бош мутахассиси Асад Асилов ахборот берди. Умуман олганда бу соҳадаги ишларнинг бориши анча дуруст, деган қарорга келдик. Бироқ хотиржамликка берилишга ўрин йўқ. Хўжаликлардаги мавжуд ишчи кучларини тўла сафарбар этиш керак. Табиий ўтлардан пичан жамғариш топшириғи, албатта, бажарилиши лозим. Маккажўхори парваришига эътиборни кучайтириш лозим. Ўтган йиллари сабзавот чиқиндиларидан ҳам фойдаланиб кўплаб миқдорда озуқа қишлов учун жамғариб қўйилган. Бу йил ҳам ана шу тажрибани давом эттириш шарт. Йиғилишда ана шундай қарорга келдик. Конкрет тадбирларни ишлаб чиқдик.

Ҳозиргача район бўйича топшириқда кўзда тутилган 45 минг тонна ҳисобидан 55 процент миқдорда дағал озуқа, 510 тоннадан ортиқ ўт уни тайёрланди.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумида меҳнат кишисининг турмуш шароитини яхшилаш алоҳида таъкидлаб ўтилди. Зотан инсон у қайси касбда, қайси лавозимда ишламасин ҳаётидан, турмушидан кўнгли тўқ, хотиржам бўлса, шундагина унинг меҳнати унумли бўлади. Биз ўз ишимизда ва фаолиятимизда бу масалага биринчи даражали аҳамият бермоғимиз зарур. Совет аъзолари хўжаликларда бўлиб, чорвадорлар иши билан танишганларида ҳеч сўзсиз уларга қандай маданий-маиший шароитлар яратиб берилаётганлиги, меҳнатга қандай ҳақ тўланаётганлиги, социалистик мусобақа қандай ташкил қилинаётганлиги билан ҳам қизиқадилар.

Ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. Йилни барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунлаш — шу кунларда амалга ошириладиган ишларимизнинг салмоғига боғлиқдир. Биз бу соҳадаги масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда ўз фаолиятимизни бундан буён янада такомиллаштириш учун курашаверамиз.

Р. УСМОНОВА,
Тошкент райони агросаноат бирлашмаси Советининг раиси.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

78 та ПУДРАТЧИ БРИГАДА

Фрунзе район партия-хўжалик активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида қурилиш суръати ва сифатини ошириш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Докладчи район партия комитетининг иккинчи секретари А. М. Сергеев ўн биринчи беш йиллигининг ўтган даври мобайнида қурилиш ташкилотлари амалга оширган ишлар устида батафсил тўхталди.

Ўтган икки ярим йил давомида 170 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 156 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Пластмасса заводи, 1-пойабзал фабрикаси, «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик корхоналарда ишга туширилган янги қувватлар муваффақиятли ўзлаштирилмоқда.

Районда уй-жой қурилиши ҳам тез суръатларда олиб бориляпти. Ўтган йиллар мобайнида 150 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Турар-жой массивларида поликлиника, 3 та болалар боғчаси, 2 та кафе, пархез ошхонаси ва бошқа хил объектлар ҳам қуриб битказилди. Қурилиш суръатини оширишда нарядсиз ишлаш усули кўл келяпти. Ҳозирги кунда 78 бригада пудрат усулида ишлаяпти.

Докладчи ҳам, музокарада қатнашган «Отделстрой» трести 34-бошқармаси бўёқчиси З. Исоқов, Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикаси мастери ёрдамчиси М. Г. Савельева ва бошқа ўртоқлар ҳам бажарилган ишларни муносиб баҳолаган ҳолда бинокорлар эътиборини бундан кейинги амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларга қаратдилар.

Беш йиллик охиригача районда яна 110 минг квадрат метр саҳнли уй-жой, 4800 ўринли мактаблар, 2600 ўринли болалар боғчалари, қатор ишлаб чиқариш қувватлари қурилиши лозим. Асосий куч ва маблағларни ишга тушириладиган объектларга жамлаш мақсадга мувофиқдир. Нотиқлар айниқса, Тошкентнинг 2 минг йиллигига бағишланган шаҳар ҳашарида қатнашиш учун ҳамма ерда ташкилий ишларни кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

«ТЎЙЛАРИМИЗ ОҒИЗДА ЭМАС, АМАЛДА ЯНГИЧА БЎЛСИН» МАҚОЛАСИ ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

БИЗГА ҲАМ МАЪҚУЛ

Биз маҳалла комитети аъзолари билан «Тўйларимиз оғизда эмас, амалда янгича бўлсин» мақоласини қайта-қайта ўқиб чиқдик. Унда айни пайтдаги ва жуда муҳим масалалар кўтарилганлигини айтмоқчимиз. Айниқса, колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг тўйларни замонавий ва кам сарф-харажатлар билан ўтказиш тўғрисида қарор чиқарганлиги тўғри, бизга ҳам маъқул.

Бизнинг Оққўрғон шаҳримизда ҳам кам харажатли ва ихчам, айни пайтда мазмунли тўйлар ўтказиляпти. Лекин очиғини айтганда бундайлари нисбатан жуда оз. Тўйида нимага қодир эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилаётган ва бу маросимларда ортиқча харажатлар сарфлаётган шахслар бор. Менимча, Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози коллективи кўрган тадбирни бошқа партия, совет, хўжалик органлари, жумладан, бизнинг шаҳар Советимиз ҳам амалга ошириса тўғри бўларди.

Мен шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларига тўйларни ўтказиш тартиби ҳақида махсус қарор қабул қилишларини таклиф этаман.

М. КАНЗАФАРОВ,
Оққўрғон шаҳридаги У. Юсупов номли маҳалла комитетининг раиси.

ГАПДАН ИШГА ЎТАЙЛИК

«Тўйларимиз оғизда эмас, амалда янгича бўлсин» мақоласини Акмал Икромов район, Акмал Икромов номли маҳаллада ҳам кўпчилик иштирокида ўқиб, муҳокама қилдик. Унда кўпчиликни қизиқтираётган фикр-мулоҳазалар кўтарилибди.

Маҳалламизда уч йил бўлдики, тўйларимиз бир кунда, ихчамлашган ҳолда чиройли ўтаётир. Бироқ баъзи бир қўшни маҳаллаларда икки кун тўй бўлиб, микрофонларнинг овози ҳам хоҳлаганча баландлатиб қўйилмоқда. Баъзи жойларда эса ЗАГСга борадиган енгил машиналар қаторлашиб ким ўзарга сигналлар чалиб, кишиларнинг ғашига тегмоқда.

Тўйларни ҳамма ерда ихчамлаштирган ҳолда ўтказиш учун биз шуни истардикки, шаҳар ёки область миқёсида катта бир кенгаш ўтказилса, ана шу йиғинда ҳамма шаҳар ва районларнинг раҳбарлари, милиция, прокуратура органлари ходимлари, ЗАГС бюроси, қишлоқ Советлари, маҳалла комитетларининг раислари, хотин-қизлар Советларининг аъзолари, шунингдек, бу ишга алоқаси бор бошқа ташкилот вакиллари чақирилиб, бу ҳақда кенг жамоатчилик олдида бир қарорга келиб олинса жуда яхши бўларди. Ахир, юз марта оғзаки гапиргандан кўра, бир марта амалий иш қилинса яхши эмасми?!

Л. ҲАМИДОВ,
Тошкент шаҳридаги Акмал Икромов номли маҳалла комитетининг раиси.

КЎПЧИЛИККА БОҒЛИҚ

«Тўйларимиз оғизда эмас, амалда янгича бўлсин» деб номланган мақолада Бўка район «Партия XIX съезди» колхози раҳбарларининг энг қутлуғ маросимларимиздан бўлмиш тўйларимиз ҳақида ўринли эътирозлар, диққатга арзийдиган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар баён этилган.

Ҳар бир оила ҳам ҳалол меҳнати эвазига яқин дўст-биродарлари, ҳамкасблари, қон-қариндошларига атаб дастурхон ёсам, тўй қилсам дейди. Халқимиз тили билан айтганда, албатта ҳар бир кишини ҳам ана шундай тўйларга етказсин.

Мақолада баён этилганидек, бизнинг Гулбоғ қишлоғимизда ҳам «бу эски урф-одатлар қачон йўқоларкин» дикки, келганда аҳвол ўзгармайди. Бордию, бирор бир оилада тўй биз кўзлагандек ўтса, кўпчилик буни қўллаб қувватласа-ю, хўп-хўп, агар қувватлашмасачи?

Бундан ташқари, халқимиз орасида «орият» деган тушунчани ҳам тўйларга боғлашганини нотўғри деб ўйлаймиз. Мана шу орият туфайли айрим «танти»лар ким ўзарга, бошқалар эса қарз олиб бўлсада «мен сендан кам эмасман» қабилида иш тутишаяпти.

Ўйлаймизки, шундай бир даврда яшаб, партия ва ҳукуматимиз сиёсатини, замон талабини яхши тушунган ҳар бир киши янгича урф-одат, маросимларни кундалик турмушимизга сингиб кетиши учун курашиши лозим. Тўй ва маросимлар кўпчилик билан. Уларни қандай ўтказиш ҳам кўпчиликнинг ўзига боғлиқ.

А. ҚЎНИШОВ,
инженер, Ангрен шаҳри.



МАККАЖЎХОРИЗОРДА

Калининн районидаги Куйбишев номли колхозда чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу соҳада коммунист Раҳматулла Ортиқов бошлиқ маккажўхоричилар бригадасининг иши ибратлидир. Коллектив деҳқонлари бу йил 40 гектар майдонда «қаҳрабо дон» етиштирмоқдалар. Ерлар яхшилаб таёрланиб, ўғитга тўйдирилиб экиш ишлари маромида ўтказилган туфайли кўчатлар бир текис бутлаб олинди. Парвариш ишлари сифатли амалга оширилмоқда. Ҳозиргача бар-

МАШИНАСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

ҚИШЛОҚ хўжалик машинасозлигининг етакчи корхонаси ҳисобланган «Ташсельмаш» заводи коллективи мамлакатимиз пахтакор республикаларига «зангори кема»лар етказиб беришни кўпайтириш, уларнинг унумли ишлайдиган янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш йўлида фидокорлик басини қўлга киритдилар. Йил бошидан бери қўшимча ишлаб чиқарилган пахта териш машинаси 60 тадан ҳам ошиб кетди. Шундай қилиб йиллик мажбурият деярли икки баравар қилиб бажарилди.

Завод ишчи-хизматчилари қўлга киритилган бу ютуқларни

«ОҚ КИТОБ»

ЛОНДОН. Консерваторлар ҳукумати Европада ҳарбий-сиёсий вазиятнинг янада кескинлашувига сабаб бўлаётган милитаристик йўлни давом эттириш ниятидадир. Бу ерда мудофаа масалаларига бағишлаб босиб чиқарилган «оқ китоб» ана шундан далолат беради.

Мазкур ҳужжатда консерваторлар кабинетининг 1984—1985 йилларга мўлжалланган ҳарбий программаси баён этилган. Консерваторлар Американинг қанотли ракеталарини жойлаштиришдан ташқари Англиянинг «мустақил» деб аталувчи ядро кучларини янгилаш ва кучайтиришга анча маблағ ажратишни мўлжалламоқдалар. Консерваторлар ҳукумати НАТО қарорларига мувофиқ ҳарбий ҳаражатларни тинмай кўпайтириш ниятида эканлигини ҳам тасдиқлади. М. Тэтчер кабинетининг милитаристик найранглари келгуси молия йилида англиялик солиқ тўловчиларга қарийб 16 миллиард фунт стерлингга тушади.

(ТАСС).

МАГНИ

(МИНИ

Идора бошлиғи Муродовнинг кабинети. У кабинетга киргач стол устидаги магнитофон жойида йўқ эди... Бошлиқ ҳайрон бўлиб у ёқ-бу ёқларга қарайди, тополмайди.

МУРОДОВ — Ие, қаёққа кетдий-кин? (ташқарига қараб) Хадичахон, ҳо Хадичахон!

ХАДИЧА — (киради) Лаббай, чақирдингизми?

МУРОДОВ — Мана, бу стол устида турган магнитофон қани?

ХАДИЧА — Билмадим.

МУРОДОВ — Нега билмайсиз, қаерда эдингиз?

ХАДИЧА — Ойимларнинг тоби йўқ, шунга дори олгани аптекага кетган эдим.

МУРОДОВ — Анови, нима қани, ҳалигичи — бухгалтер, ўшани чақиринг.

ХАДИЧА — Хўб (чиқади).

БУХГАЛТЕР — (киради). Салом алайкум, йўқладингизми?

МУРОДОВ— Сиз кўрмадингизми, магнитофон йўқку.

БУХГАЛТЕР — Мен уни кўрганим йўқ.

МУРОДОВ — Шу ердамидингиз?

БУХГАЛТЕР — Зарур иш билан бир жойга кетган эдим.

МУРОДОВ — Сиз ҳам кетганмидингиз, идорада ким қолган эди?

БУХГАЛТЕР — завхоздан сўраб кўрингчи.

МУРОДОВ — Чақиринг бўлмаса.

БУХГАЛТЕР— Хўб, (чиқади).

ЗАВХОЗ — Салом алайкум, хўжайин, омонмилар?

МУРОДОВ — (кесатиб) «Омонмилар омонмилар» дегандан кўра идорага қарасангиз бўлмайдими?! Кеча-кундуз куни хонадаги магнитофонни гумдон қилишибди.

ЗАВХОЗ — Эй, аттанг! Сизга неча марта айтдим-а, хўжайин, шунингизни уйдан олиб келманг, бунинг ишқибозлари кўп, деб.

МУРОДОВ — Сиз бирортаси олиб кетганини кўрмадингизми?

ЗАВХОЗ — Йўқ, кўрмадим.

МУРОДОВ — Қаерда эдингиз?

ЗАВХОЗ — Қаерда эдинг дейсизми? Тўғрисини айтаверайми?

МУРОДОВ — Ҳа, айтаверинг, нега чайналасиз?

ЗАВХОЗ — Чайналаётганим йўқ-ку, айтай десам сал ноқулай бўлаяпти.

МУРОДОВ — Нима бирор иш қилдингизми, айб бўлларли? Айтаверинг.

ЗАВХОЗ — Гапнинг тўғриси, сиз борадиган чойхоналиб кетган. Идорада ёлғиз ўзим қолдим.

МУРОДОВ — Бўлмаса, мана бу ерда турган магнитофон қани, йўқ-ку?

ҚОРОВУЛ — Уми, уни кеча уйга олиб кетмай қолдириб кетган экансиз, бир хабар олай деб кирсам, шу ерда турган экан. Кейин ёлғиз зерикиб ўтирганим учун қўйиб ашула эшитдим. Яхши ёзиб олган экансиз, тоза маза қилдим. Тағин шу ёёё

ИНСОНПАРВАРЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН

Н. И. ПИРОГОВ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

Яқинда тошкентлик рентгенолог З. Эгамбердиевга Н. И. Пирогов кўкрак нишони ҳамда СССР Қизил крести ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзи ижроия комитетининг дипломи топширилди. Шу муносабат билан Тошкентдаги 33-поликлиника шифокорлари ўз ҳамкасбларини табриклаш учун тўпландилар. Тантанали йиғилишда поликлиника бош врачи ўринбосари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач Карим Асилов лауреатни қутлаб шундай деди:

— Бу мукофотга таниқли шифокор Зикрилла Эгамбердиев кўп йиллик ҳалол меҳнатлари туфайли сазовор бўлди. Уни мен 50 йилдан ортиқроқ вақтдан буён, студентлик чоғларидан биламан. Мана, қирқ беш йилдирки, дўстимиз совет кишилари саломатлиги посбонлигида турибди. Шифохонада ишлаш билан бирга медицина санитария-гигиена билимларини аҳоли ўртасида тинмай тарғиб қилиб келмоқда. Вақтли матбуот радио, телевидение орқали тез-тез мазмунли суҳбатлар, маслаҳатлар билан чиқмоқда. Медицинанинг муҳим мавзуларида юзлаб мақола, ўнлаб рисолалар ёздики, улар ҳаммаси ўқувчилар томонидан қизиқиш билан кутиб олинди. Шунинг учун ҳам таъбир жоиз бўлса уни сиртдан бутун халқимизнинг шифокори дейиш мумкин.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, республикада хизмат кўрсатган врач, истеъфодаги медицина хизмати подполковниги Зикрилла Эгамбердиев кўксидаги 13 орден ва медаль қаторида бу кўкрак нишонини фахр билан тақиб юради.

Ҳарбий дала хирургияси асосчиси, Севастополь қамалда қолган вақтда Россияда биринчи бўлиб шафқат ҳамширалари мактабини ташкил этган Николай Иванович Пирогов номидаги мукофот СССР Қизил крести ва Қизил Ярим Ой жамиятларининг олижаноб фаолиятидаги хизматлари учун берилади. Ана шу мукофотга бу йил республикамизнинг бир неча шифокорлари — академиклар К. Зуфаров, В. Воҳидов, СССР Медицина фанлари академияси Ўзбекистон ССР вирусология илмий-текшириш институтининг директори профессор, Ш. Хўжаев ва «Билим» жамияти республика правлениесининг референти Г. Бажановлар ҳам сазовор бўлдилар.

С. МУСАЕВ.



● ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи янги ўқув йилига дарсликлар тайёрлаш буюртмасини ниҳоясига етказяпти. Бу йил матбаачилар 50 ном билан 6,5 миллиондан кўпроқ нусхада ўзбек ва рус тилларида қўлланмалар чиқаришади.

Суратда: бирлашманинг Тошкентдаги бош корхонасида иш жараёни.

В. СИРОТКИН фотоси.

«ХОРАН» ЮБИЛЕЙГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

Тошкент асбобсозлик заводининг клуби қошида ташкил этилган «Хоран» бадиий ҳаваскорлик ансамбли ўз репертуарини бойитмоқда. Илгари ансамбль Ватан, муҳаббат, табиатга шайдолик, меҳнат кишисига чексиз ҳурмат руҳидаги қўшиқлари билан биргина завод коллективинигина эмас, балки областимиз шаҳар ва районларининг қўшиқ ва музика мухлисларини ҳам ҳушнуд этиб келган эди.

— Турли миллат вакилларидан ташкил топган ансамблимиз қатнашчилари шу кунларда Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган программа устида ишламоқда, — дейди коллективнинг бадиий раҳбари Назир Курталиев. — Бизнинг қўшиқларимиз, куйларимиз ва шеърий монологларимизда қадимги ва бугунги Тошкентнинг мазмунларга бой

Клубда йилдан-йилга ёш ишчилар ҳисобига ортиб бораётган «Хоран» коллективидан иборат вокал ансамблидан ташқари яна бир ашула ва рақс ансамбли ҳам фаолият кўрсата бошлади.

А. ҒУЛОМОВ.

КИНОТЕАТРДА КЎРГАЗМА

ЧИРЧИҚДАГИ Навоий номли кинотеатрда болалар чизган расмлар кўргазмаси очилди. Бу ерда кенг фойеда Тошкент областининг кўплаб шаҳарлари ва қишлоқларидаги ёш рассомларнинг асарлари қўйилган. Бу асарлар болаларнинг бахтли ҳаёти, ота-оналарининг ишлари ҳақида ҳикоя қилади. Кўплаб расмлар Ер юзида тинчлик учун қураш мавзуига бағишланган.

(ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

БОҒБОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ИЗОФЕН

ЮҚОРИ ТАЪСИРЧАН ЯНГИ ПРЕПАРАТДИР.

Бу препарат олма, нок, крижовник, смородина, малина, гул, хризантема, чинни гул, бодринг, цитрусли ўсимликларнинг кўкариши ва етилиши пайтида замбуруғсимон шира ва ўргимчаксимон каначалар учун бир йўла кураш олиб боришга тавсия этилади.

Ишлов беришнинг сўнгги муддати: олма, нок, бодринг ҳосили йиғиб олинишидан 30 кун олдин, цитрусли ўсимликлар ҳосилини йиғиб олишдан 50 кун олдин; манзарали ўсимликлар: гуллар, хризантема, чинни гуллар, крижовник, смородина, малина гуллагунга қадар ва ҳосили йиғиштириб олинишдан ўн кун олдин.

Препарат билан ишлаш пайтида пестицидлар билан ишлаш учун белгиланган барча эҳтиёткорлик чораларига жиддий риоя қилмоқ керак. Бу дори билан ишланган пайтда ҳимоя кўз ойнакларини тақиш, резинали қўлқоплар, халатларни кийиш, пахтадокали қопламаларни тутиш ёки «Леписток-200» ва «Леписток-40» типидаги респираторларни қўллаш лозим бўлади. Бу дори сепилаётган пайтда ноз-неъматларни истеъмол қилиш, ичимликларни ичиш, чекиш таъқиқланади. Иш тугагандан кейин юз ва қўлларни совун билан яхшилаб тозалаб ювиш, оғизни чайқаб ташлаш керак.

Препарат 10 процентли жигарранг тусли эмульсия концентрати ва очсариқдан тўқ сариққача бўлган сувда эрийдиган 10 процентли порошок тарзида чиқарилмоқда. Препаратни сақлаш муддати — тайёрланган кундан бошлаб икки ой. 100 граммлаб қадоқланган. Баҳоси — 2 сўм.

Бу препаратни сотиб олиш масалалари бўйича маҳаллий хўжалик савдоси ташкилотларига мурожаат этилсин:

БУТУНИТТИФОҚ ХИМИЯВИЙ ВОСИТАЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ.
«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ БОШҚАРМАСИ БАЗАСИДАГИ
170-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983-84 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНДИ: электр поездларининг электр ускуналарини ремонт қилувчи электр-слесарь, метрополитен станцияларининг навбатчилари, эскалатор машинистлари, тортиш подстанцияларининг электр монтёрлари, автоматика, телемеханика алоқа электр монтёрлари, ҳаракатдаги составни ремонт қилиш бўйича слесарь, слесарь-сантехник, электр поезд машинисти ёрдамчиси, электр пайвандчи.

Тошкент темир йўл бўлими учун тепловоз машинистлигига Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати —2 йил; тепловоз машинисти ёрдамчилари, электровоз машинисти ёрдамчилари, тепловоз ремонти бўйича слесарь, товар билетлари ва багаж кассири, багажларни вагонларни қабул қилиб олувчи-топширувчилар, лифтлар ремонти бўйича электр механик, пассажир вагонларининг проводниклари.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганлар ҳар ойда 30 сўм ҳажмда стипендия билан таъминланадилар. 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар эса давлат таъминотида бўладилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процентини ўқувчиларга берилади.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтиб келгандан сўнг тепловоз машинисти ихтисоси бўйича ўқишга кирганларга ҳар ойда 72 сўмдан стипендия берилади.

Билим юртини тугатган ҳамма ўқувчиларга ўрта маълумот ҳақида ва эгаллаган ихтисоси бўйича диплом берилади. Улар ўз касблари бўйича Тошкент шаҳрида иш билан таъминланадилар ва темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртларига йўлланма билан ўқишга юборилади-лар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚУШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР УМУМИЙ АСОСЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, ФАҚАТ МЕДИЦИНА КОМИССИЯСИДАН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ПОЛИКЛИНИКАСИДА ЎТИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй (7, 9, 11, 14, 21, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 14, 16-троллейбусларнинг «Киров номли боғ» бекати). Телефон 56-63-20.

СПОРТ

УЧ ПОҒОНА ЮҚОРИ

«Пахтакор» футболчилари ўтган дам олиш куни ўз майдонида «Шахтёр» футболчиларини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида муҳим ғалабани қўлга киритдилар ва турнир жадвалида уч поғона юқорига — 2-ўринга кўтарилдилар. Тошкентликларнинг Донецк футболчилари билан чемпионатлардаги ўзаро ҳисоб-китобига назар ташлайдиган бўлсак, умумий устунлик меҳмонларда. Лекин шундай бўлсада, бу йил футболчиларимиз сафарда «Шахтёр»ни ўз майдонида 1:0 ҳисобида енгишга муваффақ бўлишди. Мана иккинчи давра ўйинида ҳам устун келишди. Аввалига Константин Новиков ҳисобни очди. Лекин меҳмонлар ҳам бўш келишмади. Кўп ўтмай С. Ящченко ҳисобни тенглаштирди. Иккинчи бўлимда Андрей Якубик 11 метрдан штраф тўпи киритиб, командамиз ғалабасини таъминлади. Бу команда капитанининг 102 тўпидир.

Иккинчи давранинг биринчи туридаги 9 учрашувнинг 6 таси майдон эгалари фойдасига тугади. Бир учрашув дуранг ўтди. Икки ўйинда меҳмонлар йирик ҳисобда ғалабага эришдилар. «Черноморец» Москвада динамочиларни 4:0, Марказий Армия спорт клуби эса Кутаисида «Торпедо»ни 6:1 ҳисобида енгди. «Спартак» — «Нистру» — 1:0, «Динамо» (Киев) — «Металлист» — 2:1, «Зенит» — «Днепр» — 2:2, «Динамо» (Тбилиси) — «Жальгирис» — 3:1, «Нефтчи» — «Динамо» (Минск) — 2:1, «Арарат» — «Торпедо» (Москва) — 1:0.

Командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ю	Д	М	Т	О
Черноморец	11	2	5	28—18	24
Пахтакор	8	7	3	26—14	23
Жальгирис	8	7	3	17—13	23
Динамо Мн.	9	4	5	26—19	22
Зенит	8	6	4	23—16	22
Днепр	8	5	5	32—21	21
Динамо К.	7	7	4	16—16	21
Спартак	7	6	5	28—17	20
ЦСКА	7	5	6	22—18	19
Шахтёр	8	2	8	25—21	18
Арарат	8	2	8	18—25	18
Металлист	7	3	8	22—25	17
Нефтчи	6	5	7	18—20	17
Торпедо М.	5	7	6	15—18	17
Динамо Тб.	5	4	9	22—24	14
Динамо М.	3	7	8	13—19	13
Торпедо Кт.	1	7	10	9—26	9
Нистру	2	2	14	10—40	6

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 — Фильм-спектакль. 11.00 — «Қўшиқ, романс, вальс». 11.35 — Телеочерк. 12.15 ва 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — «Темур ва унинг командаси». Бадиий фильм. 1-серия. 17.15 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.45 — Ҳужжатли фильм премьераси. 18.15 — «Шахмат мактаби». 18.45 — Телеочерк. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 Мультфильмлар. 19.55 — «Фан ва турмуш». 20.25 — Экранда — кинокомедия. «Висолга ошиқаётган қиз». 21.30 — «Время». 22.05 «Эрнест Буш куйлайди». Уч серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм. 23.15 — «Спорт ҳафталиги». 23.45 — «Дунё воқеалари».

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.05 — «Ўшанда сен қайтиб келасан». Телевизион бадиий фильм. 11.05 — «Буратино кўргазмаси». 11.30 — Мультфильм. 11.55 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Француз тили. 12.35 — Болалар учун фильм. «Анискин ва Фантомас». 1-серия. 13.40 — А. Дворжак Еттинчи ре минор симфонияси. 14.20 — Илмий-оммабоп фильм. 14.50 — Фильм-концерт. 15.20 — «Единғдамн ўртоқ...» 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Онамларнинг мактаби». 19.20 — Концерт. 20.00 — «Ҳамдўстлик». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Мотокросс бўйича жаҳон чемпионати. 21.15 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Матильданинг ултиматуми ёки «Домовой»ни ким ёзган». Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ I. 18.05 — Болалар учун фильм. «Нептун Қорақумда». 18.20 — «Юлдузча». 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — «Ҳар бир иш жойида». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Концерт. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концертнинг давоми. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ғўза парваришига — аъло сифат». 22.25— «Қўқон воқеаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм 1-серия. 23.30 — Янгиликлар.

ЎзТВ II. 9.00 — 16.30 — МТ II. 18.00 — Биология. 18.30 — «Шеърият дафтаридан». 19.00 — Телефильм. 19.20 — «Она шаҳрим — Тошкентим». 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Фильм-портрет. 21.30 — МТ II.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари —, 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р—03008. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б—1639. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12